



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 18 июнь, № 128 (7908)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Шавкат МИРЗИЁЕВ:

МЕҲНАТИМИЗ, ИЛМИМИЗ ВА ҲАРАКАТИМИЗ БИЛАН АНДИЖОН КЕЛАЖАГИНИ ҚУРАМИЗ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, истиқболдаги режаларни белгилаш мақсадида 17 июнь куни Андижон вилоятига келди.

Избоскан туманининг Кўғай маҳалласи — энг чекка ҳудудлардан бири. Иқтисодий имкониятлар натижасида қишлоқларга ҳам саноат кириб бормоқда. Бу аҳолини иш билан таъминлашда жуда муҳим.

Яқинда ушбу маҳаллада “Соҳиб омад баракаси” кластери томонидан “And gold” тикув-трикотаж корхонаси ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур фабрика фаолияти билан танишди.

Кўймати 2 миллион 500 минг доллар бўлган лойиҳа доирасида янги бино қурилиб, замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Корхона йилга 3 миллион 500 минг дона тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маҳсулотларни 100 фоиз экспортга йўналтириш режалаштирилган. Бу борадаги йиллик имконият 5 миллион доллардан зиёд. Калава ип етказиб бериш бўйича Хитой ва Россия билан шартнома тузилган.

Корхонада ҳозирча 830 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

— Сизларга ўзининг хурматини, муҳаббатини билдираман. Ўзларингиз ашайбидан қишлоқда ишли бўлганларингиздан хурсандман. Қачон Избосканда мана шундай замонавий корхона бўлган? Бу ишларни яна давом эттирамиз. Хотин-қизларимиз учун ҳамма шароитларни яратамиз. Аёл ишли бўлиб, кайфияти яхши бўлса, оиласи ҳам бахтли бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур корхона тўрт ойда қуриб битказилган. Фабрика тўла қувватга чиққанда, чекка ҳудуддаги 1 минг 200 нафар киши доимий иш билан таъминланади.

Ўз қишлоғида иш билан таъминланган хотин-қизларнинг дил ихрорини корхона ишчиси Нозима Ҳакимова Президентимизга етказди: — Мен шу юртининг бахтли аёлиман. Оилам тинч, фарзандларим соғ-саломат. Қишлоқда ҳамма шароитга эга корхонага ишга жойлашдим.

Чекка қишлоқлар аҳолисини даромад билан таъминлаш бўйича ислохотларни амалга ошириш зарур. Бундан одамлар хурсанд, — деди у.

“Соҳиб омад баракаси” кластери 8 минг гектар ерда пахтачилик билан шуғулланади. Кластернинг калава ип ва мато тўқиш корхоналари бор. Келгусида Андижон туманида яна битта тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи фабрика, Шахрихон туманида буюш цехини ишга тушириш режалаштирилган.

Шу ерда Андижон вилоятида саноат тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тақдими қилинди.

Давлатимиз раҳбари Пахтабод туманидаги инновацион иссиқхона-ни кўздан кечирди.

Инновационлиги шундаки, бу жой илгари тош-шағал қарьери бўлган. Ердан унумли фойдаланиш сиёсати натижасида у экинзорга айлантирилди. “Мега агро” маъсулияти чекланган жамияти бу ерда Испания технологияси асосида иссиқхона барпо этди.

Бу технологияда экин полиэтилен қувурчалар орқали сугорилди. Энг муҳими, сув исроф бўлмайди, доимий айланб туради.

Тадбиркор учун 16 гектар ер ажратилган. Шундан 6 гектариди очик ва ёпиқ иссиқхона ташкил этилган. Яна 2 гектарда Туркия ва Испаниядан олиб келинган замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.

Иссиқхоналарда “Айсберг” қарам, помидор, бодринг, уларнинг кўчатлари ва ҳар хил кўчатлар етиштирилади. Уларни юртимиз боғдорларида етказиб бериш, шунингдек, йилга 1 миллион 500 минг долларлик экспорт қилиш режалаштирилган. Корхонада 100 та иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари Андижонда металл конструкциялар корхонаси ташкил этиб, четдан сотиб олинадиган материалларни маҳаллийлаштириш, хусусан, иссиқхона деталларини ишлаб чиқариш бўйича топширик берди. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини вилоятда аграр соҳани инновацион ривожлантиришга акселератор бўлиши кераклиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Избоскан туманидаги “Рустамжон Замин ривож” фермер хўжалиғи даласида галла хосилини кўрди.

Хўжаликда 55 гектардан зиёд ерга бугўдй экилган. Унинг ҳар гектаридан 72 центнердан зиёд ҳосил олиш кутилмоқда. Шундан 177 тонна давлат ресурслари учун

сотилади, 225 тонна ўз ихтиёрида қолади.

13 гектарда ёмғирлатиб сугориш жорий қилинган. Фалладан бўшаган майдон тақририй экин экиш учун 200 нафар аҳолига ажратиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари галланнинг нави, ҳосилдорлиги билан қизиди.

— Галла ҳосилдорлигини 100 центнерга чиқариш чораларини кўриш керак. Шунда фермернинг ҳам, ишчиларнинг ҳам даромади ошади. Даромади кўпайса, фермер илмга эътибор беради, янги ишлашга ўтади, кўни-кўнисига, ёшларга фойдаси тегади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда вилоят фермерлари, ёшлар вакиллари билан мулоқот бўлди.

— Бугун Андижонга келишимдан мақсад одамлар ислохотларнинг фойдасини сезяптими, рўзғорини ўзгариш бўлди, халқни рози қилиш учун яна нималар қилиш керак, деган саволларга жавоб топиш, — деди Президент. — Юриб кўриш керак, албатта, ўзгариш бор. Лекин бу бизнинг қонунимиз. Янада кўпроқ ишчи жойлар, маҳалларда шароитлар қилишимиз керак.

Учрашувда қишлоқларда саноатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хонадонларда паррандачилик, томоқчиликни кенгайтириш масалалари ҳақида сўз бошланди.

— Ислохотларнинг кучи — маҳал-

лада, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Избоскан туманидаги Урганчи маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Маҳаллада 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу йил 915 ўринли умумтаълим мактаби таъмирдан чиқарилди. Барча кўчалар обод бўляпти. Ушлаб кичик бизнес субъектлари аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Дастур бўйича гузардаги бино қайта реконструкция қилиниб, оталар чойхонаси, озик-овқат дўкони, сартарошхона, “Street Workout” спорт майдончаси, “Рақамли маҳалла” IT-маркази бунёд этилди. IT-марказида болалар компьютер савдохонлиги, киберспорт, дастурлаш каби амалларни бажаришни ўргантирди.

Одамларнинг ўзи ҳам хунарманд, миришкор. Жумладан, деҳқончилик билан шуғулланиш истағида бўлган ёшларга 10 сотихдан ер ажратилди. Маҳалладаги 150 та хонадонга 50 тадан парранда берилиб, ўзини ўзи банд қилиши таъминланган.

Шавкат Мирзиёев шу ерлик Курбонали Уринбоев хонадонида бўлиб, яшаш шароитини кўздан кечирди. Маҳалла вакиллари билан дилдан суҳбат бўлди.

— Энди ҳар бир хонадоннинг имкониятидан келиб чиқиб, бизнес-режа ёзиб берилади. Давлат ташкилотлари шароит яратди. Ҳозирги замонга муносиб бўлиб, меҳнат қилмасак, ниятимизга етолмаймиз. Худонинг ўзи меҳнатга, ҳаракатга яраша ажрини беради, — деди Президент.

Нуронийлар юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб, дуо қилди.

Аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятида уй-жой масаласи долзарб. Шу босис Президентимиз вилоятга аввалги таширғи чоғида Андижон туманидаги адирқилларда янги шаҳар қуриш ташаббусини илгари сурган эди.

Шундан сўнг туркиялик мутахассислар билан биргаликда лойиҳа ишлаб чиқилиб, шу йил 12 апрель куни тақдими қилинган эди. Давлатимиз раҳбари уй-жойларни пухта лойиҳалаштириш, худудда кўпроқ боғ ва ҳибоблар ташкил этиш бўйича топшириқлар берганди.

17 июнь куни ушбу янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди. Унда нуронийлар, ёшлар, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Президентимиз бу қурилишни халқимиз бунёдкорлигини намойён этадиган тарихий воқеа деб атади.

— Андижондаги уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун икки-уч йилдан бери ўзини қўйяйман. Чунки ер кам, уйларга қолган эдилар давомидан тўпланиб қолган эди. Бир хонадонда бир неча келин қайнонаси билан яшаётган оилалар кўп. Шунинг учун узоқни ўйлаб, янги шаҳар қуришга киришдик. Бу ерда 130 мингдан ортиқ хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилади, 450 мингдан зиёд аҳоли яшади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий майдони 4 минг гектар бўлган янги шаҳарнинг 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, саноат зоналари, хизмат ва сервис объектлари қурилади. Президентимизнинг кўрсатмасига мувофиқ, яна қарийб шунча майдонда яшил худуд барпо этилади.

Янги шаҳар лойиҳаси 8 та

босқичда амалга оширилади. Унинг коммуникация тармоқларини бошлаш учун жорий йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилади. Бунда 33 километр ичимлик суви тармоғи, 52 километр автомобиль йўли, 18 километр электр ва 27 километр газ тармоқлари қурилади.

Биринчи босқичда 3 минг 310 та квартиралари 170 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли боғча, 200 қатновли поликлиника қурилади. Шаҳар қурилиши даврида 10 мингдан ортиқ, кейин эса саноат, савдо, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларида жами 100 мингга яқин доимий иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари Андижон Захириддин Мухаммад Бобур вояга етган замин экани, андижонликлар билими ва матонати билан катта ишларга қодирлигини таъкидлади.

— Бугун мана шундай улкан бунёдкорлик ишларига киришар эканмиз, аввало мард ва олижаноб халқимиз қудратига, аждодларимизнинг бой билими ва тажрибасига, меҳнаткаш, бир сўзли ва танти Андижон аҳлининг азму шижоатига сўянамиз. Меҳнатимиз, илмимиз ва ҳаракатимиз билан Андижон келажагини қураимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Президентимиз янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйди.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шу кунларга етганимизга шукр. Умид қиламанки, Янги Андижон халқимиз бахтли, фаровон яшайдиган обод маскан бўлади. Бу тарихий воқеа билан, хайри маросим билан бутун Андижон халқини чин юракдан табриқлайман, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Маросимда меҳнат фахрийлари, қурувчилар сўзга чиқди.

Қўйишлар учун мисол: Андижон вилояти бўйича 2016 йилгача 4 минг 846 та оила учун яқка тартибдаги бир-икки қаватли уйлар қурилган. Охириги 5 йилда эса 11 минг квартираларни кўп қаватли ҳамда 4 минг 400 та яқка тартибдаги уйлар қурилди. Жорий йилда 6 минг 346 хонадонли 271 та кўп қаватли, шунингдек, ипотека асосида 2 минг 500 та яқка тартибдаги уйлар барпо этилмоқда.

Тўқимачилик саноати Андижон вилоятидаги “драйвер” соҳалардан. Бугун бу ерда 700 га яқин шундай корхоналар фаолият юритмоқда.

Андижон шаҳридаги “Dinar group” маъсулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тикувчилик корхонаси — шулардан бири.

Умумий қиймати 10 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа учун қаровсиз бино “ноль” қийматида берилган эди. Атиги етти ойда бу ерда замонавий корхона пайдо бўлди.

Янги корхонага Италия, Австрия ва Туркия каби давлатлардан мато буюш ва тикув ускуналари келтириб ўрнатилди. 1000 та иш ўрни яратилди. Корхона йилга 3,5 миллион дона тайёр трикотаж ва 5 минг тонна яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг GSP+ дастурига аъзо бўлиши билан бу корхона учун ҳам кенг йўл очилди. Маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилмоқда. Бугунги кунда ҳорижий давлатлар буюмларига асосида 50 дан ортиқ турдаги ярим-тайёр ва 100 хилдан ортиқ тайёр

трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Йиллик экспортни 40 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Бўш турган ишчиошлардан самарали фойдаланишга қаратилган иқтисодий сиёсат натижасига Андижон шаҳридаги “Digtom” фабрикаси ҳам мисол бўла олади. Унинг биноси 1980 йилларда қурилган, узоқ вақт ишламасдан, ташландиқ ҳолга келиб қолганди.

“Бобур ХБК” маъсулияти чекланган жамияти томонидан 33 миллион 500 минг доллар миқдорда инвестиция киритилган, бино қийфаси таъминан ўзгарди. У мукамал таъмирланиб, Франция, Германия, Италия, Япония ва Туркиянинг замонавий технологиялари ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 1 минг 500 киши меҳнат қилмоқда. Тўлиқ қувватда 2 минг 700 та доимий иш ўрни бўлади.

Бугунги кунда корхонада 200 турдаги жинси маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Матони бўйишдан тортиб, тайёр маҳсулотгача бўлган жараён замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Бу фабрикада ҳам маҳсулотлар тўлиқ экспорт қилинади. Мўлжал — йилга 25 миллион долларлик маҳсулотни хорижга етказиб бериш.

Президентимиз янги корхоналардаги иш жараёнини, маҳсулот намуналарини кўздан кечирди. Мутасаддиларга корхоналар фаолиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти Бош жоме масжидини бориб кўрди.

Бу жойда илк масжид 1870 йилда тикланган. Ҳозирги масжид қурилиши 2018 йилда бошланиб, шу йил май ойида якунланди.

Янги бино қадимий чор айвон ва чор дарвоза услубида барпо этилган. Унинг икки четида баландлиги 54 метрлик миноралар, асосий бинонинг тепа қисмида диаметри 18 метрли гумбаз қурилган.

Илгари масжид сифими 5 минг кишини ташкил қилган бўлса, энди бино 15 мингдан ортиқ намозхонларни ўз ичига сиғдира олади.

Қуёвон оятларидан тиловат этилиб, дуо қилинди.

— Бу дарғоҳни барпо этишга ҳисса қўшган муҳандислар, қурувчи ва безакчилар, ҳомийларга миннатдорчилик билдираман. Масжид Андижон халқига муборак бўлсин, узоқ йиллар халқимизга хизмат қилсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда уламо ва имом-хатиблар билан мулоқот бўлди.

— Ҳамма жойларда муқаддас ёратоғларни обод қилиш, янги масжид ва марфат марказлари қуришга эътибор қаратаямиз. Бундай хайрли ишларни давом эттирамиз. Мўмин-муслимлардан ерга бағра келиб, ибодатларни эмин-эркин бажариб, шукроналик билан халқимизни дуолар қилса, нур устига нур, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг Андижон вилоятига таширифи давом этмоқда.

Матнозар ЭЛИМУРОВА,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Фохриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ў.А. Мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

«Халқ сўзи»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КАМОНДАН ОТИШ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг jismoniy тарбия ва спорт билан муносабатини яқинлаштириш, иқтидорли спортчиларни саралаш олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш, буюк аждодларимиз Амир Темур, Бобур Мирзо, Жалалиддин Манғубердидан мерос бўлиб қолган камондан отиш аъёналари ва қадриятларини келажақ авлодларга етказиш, миллий спорт турларини кўпайтириш, камондан отиш спорт тури бўйича миллий терма жамоамизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Парасоёё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йirik мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар камондан отиш спорт турини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

профессионал спортчилар, малакали тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларни касбий ривожлантириш, ўқув-масгулотлар жараёнига илгор илмий-инновацион технологияларни кенг жорий қилиш ва ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш;

ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфра-тузилмани шакллантириш ҳамда замонавий спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси билан таъминлаш, Ўзбекистон камондан отиш федерацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар томонидан паракамондан отиш спорт тури билан шуғулланиш учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг Паралимпия ва Парасоёё ўйинлари ҳамда халқаро мусобақалар, турнирлар ва жаҳон чемпионатларида доимий ва муносиб иштирокини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).

Унда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, Ўзбекистон раислик қилган мулоқотнинг Ҳаракатлар режасини амалга ошириш доирасидаги масалалар кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, жорий йил иккинчи ярми учун мўлжалланган тадбирлар ва уларда Қирғизистоннинг раҳбар аёллари иштироки муҳокама этилди.

А. Касималиева Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ишларни оқори баҳолади ҳамда Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигининг барча йўналишига катта эътибор қаратилётганини эътироф этди. Кунин кеча бўлиб ўтган “Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарор ривожланиш сари хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” мавзуйи-

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешини Торағаси ўринбосари Аида Касималиева билан учрашди.

Мулоқот

Унда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, Ўзбекистон раислик қилган мулоқотнинг Ҳаракатлар режасини амалга ошириш доирасидаги масалалар кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, жорий йил иккинчи ярми учун мўлжалланган тадбирлар ва уларда Қирғизистоннинг раҳбар аёллари иштироки муҳокама этилди.

А. Касималиева Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ишларни оқори баҳолади ҳамда Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигининг барча йўналишига катта эътибор қаратилётганини эътироф этди. Кунин кеча бўлиб ўтган “Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарор ривожланиш сари хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” мавзуйи-

даги халқаро бизнес форуми аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича фикрлар ҳамда илгор тажриба алмашиш майдонига айлангани таъкидланди.

Учрашувда, шунингдек, икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришда парламентларaro ҳамкорликнинг ўрнига эътибор қаратилди.

Томонлар парламентларaro ҳамкорликни кучайтириш муҳимлигига уруғ бериб, турли даражадаги таширғиларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди. Илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳалари бўйича парламентлар аъзолари иштиро-

қида қўшма тадбирлар ўтказиш ҳамда доимий мулоқот олиб бориш, умумий кадрлар билан аъёналарни сақлаш ҳамда тарғиб қилишга қаратилган дастурларни рўйбга чиқариш, БМТ, Парламентларaro Иттифоқ, ЕХТ ПА, МДХ ПА ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда биргаликдаги ташаббусларни тарғиб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Мулоқотда парламентларaro алоқаларни мустаҳкамлаш давлатларaro муносабатларни ривожлантириш ва икки мамлакат халқлари фаровонлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КАМОНДАН ОТИШ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

республика ва халқро мусобақалар, турнирлари ҳамда жаҳон чемпионатларини доимий равишда ташкил этиш ва ўтказиш, мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш; жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий ва профессионал чет эл бренд камонлари, ўқлар, тўсиқлар ҳамда спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш; камондан отишни миллий спорт тури сифатида кенг ёритиш ҳамда тарғиб қилиш ишларини ташкиллаштириш, оммалаштириш, аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини ошириш.

2. Туризм ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг:

ҳар бир болалар-ўсмирлар спорт мактабида (шу жумладан, келгусида янги ташкил қилинадиган мактабларда) мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, камондан отиш секция ва бўлимларини ташкил этиш;

ҳар бир олимпия захиралари коллежиде (шу жумладан, келгусида янги ташкил қилинадиган коллежларда) камондан отиш бўлимларини очиб;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиде камондан отиш таълим йўналишини очиб тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдуҳақимов) Ўзбекистон камондан отиш федерацияси билан биргаликда:

2021 йил 1 сентябрда қадар болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежларини замонавий халқро талабаларга жавоб берадиган спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси ҳамда бошқа зарур воситалар билан таъминласин ва ушбу мақсадларга Туризм ва спорт вазирлигига ҳамда унинг тизимидаги спорт таълими муассасаларига бюджетдан 2021 йил учун ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмидан зарур маблағлар йўналтирсин;

бир ой муддатда камондан отиш спорт тури бўйича тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ошириш режасини тасдиқласин;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт таълим муассасаларига камондан отиш спорт тури бўйича етакчи хорижий тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни шартнома асосида жалб қилсин ҳамда тегишли молиявий ва ташкилий масалаларни ҳал этсин.

3. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб камондан отиш спорт тури бўйича ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг уч босқичли тизими жорий этилсин. Бунда:

биринчи босқичда — таълим муассасалари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт таълим муассасаларидан сараланган спортчилар ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари (туман/шаҳар ҳокими кубоги);

иккинчи босқичда — туман (шаҳар) мусобақалари ғолиблари

ва совриндорлари ўртасида ҳудудий мусобақалар (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари кубоги);

учинчи босқичда — ҳудудий мусобақалар ғолиблари ва совриндорлари ўртасида республика мусобақалари ўтказилади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А.Каримов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг уч босқичли тизимини тегишли ҳудудларда тўлиқ жорий қилиш юзасидан шахсан масъул этиб белгилансин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар йили аянавий тарзда камондан отиш спорт тури бўйича:

Тошкент шаҳрида “Алломиш ва Барчиной” халқро турнирини ташкил этиш;

Самарқанд шаҳрида аёллар ўртасида “Тўмарис кубоги” халқро турнирини ўтказиш;

мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада кенг намоён этиш ҳамда ушбу спорт турининг оммавийлигини ошириш мақсадида Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва Хива шаҳарларида “Туризм ва камондан отиш ҳафталиги”ни ташкил этиш ва унинг доирасида кенг сайёҳлар оқимини жалб қилган ҳолда камондан отиш бўйича спортчилар ва сайёҳлар ўртасида турнирлар, маҳорат дарслари ҳамда учрашувлар, туристик салоҳият акс этган сайилар ўтказиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.Абдуҳақимов, Ўзбекистон камондан отиш федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган халқро турнирларга пухта тайёргарлик қўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича режа-жадвалини тасдиқласин;

ҳалқро турнирларда маҳаллий камончилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқро камончилар, тренерлар ва ҳакамларнинг иштирокчини таъминласин.

5. 2022 — 2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида камондан отиш спорт тури бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган спорт базаларини (кейинги ўринларда — спорт базалари) ташкил этиш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) спорт базаларига методик қўмаклашиш Ўзбекистон камондан отиш федерацияси томонидан амалга оширилади;

б) спорт базалари, шу жумладан, қуйидагилардан иборат бўлади:

умумий жисмоний тайёргарлик, махсус жисмоний тайёргарлик, ўқув машғулотлари ва мусобақаларни ўтказиш учун очик турдаги спорт майдони ва спорт зали;

томошабинлар учун трибуна, тренерлар, тиббиёт ходимлари, кийим алмаштириш хоналари, тренажёр зали, спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкасини сақлаш учун хона.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норкулов) Туризм ва спорт вазирлиги (А.Каримов) билан

биргаликда 2022 йил ва келгуси йилларда Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан спорт базаларини қуриш учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

Қурилиш вазирлиги (К.Тўлганов) спорт базаларини инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

ҳар бир ҳудуднинг битта тумани (шаҳри)ни камондан отиш спорт турини устувор спорт тури сифатида белгилаш ҳамда уни ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича “йўл хариталарини” ишлаб чиқиш;

тегишли ҳудудда камондан отиш спорт турининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, спорт базаларини ташкил этиш ишларига яқиндан кўмаклашиш;

2022 — 2024 йилларда ҳудудларда спорт базаларини ташкил этиш ишларини Инвестиция дастури доирасида амалга ошириш юзасидан тақлифлар киритиш;

жойларда камондан отиш спорт турини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, усулбий қўлаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш;

Ўзбекистон камондан отиш федерацияси ҳудудий бўлимларининг молиявий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;

жойлардаги раҳбар кадрлар орасидан номзодларни Ўзбекистон камондан отиш федерацияси ҳудудий бўлимларининг раиси лавозимига тавсия этиш.

7. Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдуҳақимов) Ташқи ишлар вазирлиги (А.Қамиллов) билан биргаликда камондан отиш спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида:

Бутунжаҳон камондан отиш федерацияси ҳамда Осиё камондан отиш федерацияси билан ҳамкорликни кучайтирсин, бу борада манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда, ушбу ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаб бериш билан боғлиқ харажатлар 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилди;

Ислол ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар (авваламбор Туркия, Эрон, Малайзия) ва бошқа мамлакатлар (Корея Республикаси, Германия, Россия) билан биргаликда камондан отиш спорт тури бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мусобақалар ва турнирларни ўтказиш, тажриба алмашиш, бошқа қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатсин.

9. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдуҳақимов) Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда 2021 йил 1 ноябрга қадар мамлакатимизда этносспорт турларини (белбоғли кураш, улоқ, кўпқари, ошиқ ўйини, қарабтеп (ланка) ўйини, от пойғаси, кўк бўру, дорбоз, чиллак ва бошқалар) ривожлантириш ва оммалаштириши, Бутунжаҳон этносспорт конфедерацияси ва бошқа халқро ташкилотлар билан алоқаларни кучайтиришни назарда тутуви Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Молия вазирлиги (Т.Шиметов) мазкур қарорга асосан жорий йилда қўзда тутилган чора-тадбирларни ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағларни 2021 йил Давлат бюджетиде Туризм ва спорт вазирлиги учун қўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг бюортамасига асосан камондан отиш спорт тури бўйича жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирмасдан кириш визаларининг расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ички ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг бюортамасига асосан камондан отиш спорт тури бўйича жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп мартали кириш визаларининг берилишини ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А.Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 17 июнь	

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПАРЛАМЕНТЛАРИ АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ

Кейинги йилларда Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли қўшни давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Шу ҳақда гап кетганда, яқин қўшнилар парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганлигини ҳам алоҳида айтиш жоиз. Бунга яқинда Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев бошчилигидаги делегация юртимизга келгани ва мазкур таширф доирасида парламентларро ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган қатор келишувларга эришилганлигини яққол мисол сифатида келтириш мумкин.

Ҳар икки давлат парламентлари аъзолари шу хусусда ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Акс садо

Али БЕКТАЕВ, Қозоғистон Республикаси парламенти Сенатининг Аграр масалалар, табиатдан фойдаланиш ва минтақаларни ривожлантириш қўмитаси раиси:

— Қозоқ ва ўзбек халқларини азалдан дўстлик, қардошлиқ ришталари боғлаб туради. Бугун Ўзбекистонда 1 миллионга яқин қозоқлар, Қозоғистонда эса 400 миңдан зиёд ўзбеклар истиқомат қилади. Илик муносабатлар ҳар доим икки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб келган. Буюк Ипак йўлида жойлашган ҳар икки мамлакат халқлари қадимдан нафақат савдо, саноат, балки қардошлиқ муносабатларида ҳам муштарак бўлган. Қозоғистон ҳудудида сабзавот ҳамда мевалардан иборат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, Ўзбекистон ҳудудида эса бугдой, ун ва ун маҳсулотлари ҳамда гўшт ва гўшт маҳсулотлари сотилган.

Шавкат Мирзиёев Президентлик ваколатига киришиши билан алоқалар янада кучайди. Ўзбекистон томонидан божхона ҳамда чегарадаги бюоркрати тўсиқлар бартараф этилиб, ҳар икки давлат корхоналари ва тадбиркорлари учун қулайликлар яратилди.

Парламентимиз делегациясининг таширифи доирасида томонлар парламентларро алоқаларни изчил давом эттириш, шунингдек, чегаравий ва ҳудудларро ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида келишиб олди. Таширф икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли, дўстона муносабатлар, парламентларро алоқаларни янада мустаҳкамлаш сари ташланган галдаги дадил қадам бўлди, десак, муболага эмас.

Ерик СУЛТАНОВ, Қозоғистон Республикаси парламенти Сенатининг депутати:

— Бугун жаҳонда nobарқарорлик ва янги глобал таҳдидлар пайдо бўлган

бир шароитда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётгани эътиборга молик.

Мулоқот давомида ҳам сўнги йилларда юртингизда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги сифат босқичга кўтарилганлиги алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли алоқалари барча соҳада тезлашгани ҳамда бу қандай самара бераётганлигини ҳар биримиз кўриб-билиб турибмиз.

Делегациямиз таширифи доирасида иккала давлат парламентларининг халқро алоқалар, сиёсий, иқтисодий ва маданий, шунингдек, гендер тенглик, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя йўналишларидаги қўмиталари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва келгусида ўзаро алоқаларни янада кучайтиришга келишиб олдик.

Ишончим комил, парламентларро алоқаларни янада мустаҳкамлашга бўлган интилишимиз транспорт коммуникациялари, транзит ташвиш, туризм, экология, сувдан фойдаланиш, инвестициялар, маданият ва таълим каби муҳим соҳаларда умумий ташаббусларни қонунчилик йўли билан қўлаб-қувватлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Ҳамкасбларимиз таширифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати билан ҳамкорлик бўйича комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқлангани ва бу тузилманиннг биринчи

ййгилиши ўтказилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Негаки, ййгилишда комиссиянинг келгуси фаолияти, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, иқтисодий, сайёҳлик, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда ҳудудларро ҳамкорликни ривожлантиришда парламент ролини ошириш бўйича мақсадли ишлар олиб бориш юзасидан келишувларга эришилди.

Икки давлат парламентлари фаолиятидаги илғор тажрибаларни ўрганиш учун доимий равишда делегацияларнинг ўзаро таширфларини уюштириш, жумладан, турли халқро конференциялар ва парламент ташкилотлари ишида иштирок этиш орқали учрашувлар ўтказиш ни янада кенгайтиришга ҳам келишиб олинди.

Қолаверса, ҳамкорликда тарихий киноасарлар яратиш, Ўзбекистон ва Қозоғистонда туризмни ривожлантириш, айниқсан, зиёрат туризмини икки давлат салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш, шу мақсадда тарихий, диний зиёратгоҳлар йўналишлари бўйича “Йўл харитаси”ни тузиш юзасидан ҳам фикрлар алмашилди.

Бу эса яқин келажақда давлатларимизнинг нафақат парламентларро алоқалари, балки иқтисодий ва ижтимоий муносабатларига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатиши аниқ.

Нуржан НУРСИПАТОВ, Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати депутати:

— Делегациямиз таширифи эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Аввало, халқингиз бизни юқори даражада кутиб олганлигини айтмоқчиман. Албатта, таширф натижаси ҳам шунга мос даражада бўлди. Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўртасида ҳамкорлик бўйича комиссиянинг биринчи мажлиси ўтказилди. Қозоғистон томонидан ҳамраси сифатида Қозоғистон Республикаси Сенати Раиси ўринбосари А. Шакиров, Ўзбе-

кистон томонидан Сенат Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев иштирок этди.

Икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича мажлисда Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўртасида 2021-2022 йилларда парламентларро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда Қозоғистон Республикаси парламенти ҳузуридеги Парламентаризм институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридеги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадиқикотлари институти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Бу интилишларимиз кўп қиррали Қозоғистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада ривожлантиришда қўл келади, деб ўйлайман.

Ботир МАТМУРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги мустаҳкам алоқалар ўзаро ҳурмат, ишонч ҳамда очкиқлик тамойилларини ўзида уйғунлаштирган бўлиб, икки мамлакат халқларининг кўп асрлик яқин қўшничилик ва қардошлиқ ришталарига асосланган.

Қозоғистонлик ҳамкасбларимиз таширифи доирасида эришилган ютуқ ва натижалар кўп бўлди. Масалан, парламентлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашинувини янада кучайтириш, мунтазам равишда онлайн ва офлайн тарзда сенаторларнинг ҳудудларда мулоқотларини йўлга қўйиш, маҳаллий Кенгашлар депутатларини мазкур тадбирларга жалб қилиш тақлифи илгари сурилди.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида рақамли технологияларни ривожлантириш, саноатимиз рақамлаштириш, маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш, бунинг учун ёшлар, хотин-қизлар ва зиёли қатлам ўртасида форумлар ўтказиш тақлифи билдирилди.

Шулардан ҳам ҳулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлари алоқалари яқин келажақда юқори босқичга кўтарилади. Энг муҳими, бу, ҳар икки давлатнинг бошқа соҳалардаги алоқаларига ҳам ижобий таъсирини кўрсатиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи».

Дил сўзи

ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН

Давлатимиз раҳбари ҳар сафар Андижонга ташриф буюрса, биринчи ўринда аҳолини уй-жой билан, иккинчи галда иш билан таъминлаш ҳақида қайғуради.

Тўғри, Алишер Навоий бобомиз машур мисраларида қайд қилганидек, инсон фақат халқ гами, эзгу ишлар хаёли билан яшати керак. Бироқ ҳолисона айтганда, қараб туриб, давлат раҳбарига ҳам осон эмас, дейман. Ахир биз уйда бешолти нафар болаимизни уйли-жойли қилиш учун қанча ташвишга тушамиз. Юртбошимиз эса миллионлаб аҳолининг ташвиши билан банд.

Президентимиз Андижон туманида “Янги Андижон” тураржой даҳасини бунёд этиш лойиҳасига тамал тунб қўйганини эшитиб, чиндан қувондим.

Бунинг натижасида биринчи босқичда 170 та кўп қаватли уйлар қад ростлар экан. Бу захилакам гап эмас, албатта. Қурилиш ишлари учун

4 миң гектар ер майдони ажратилибди.

Айтишларича, ҳозирги Андижон шаҳри билан тенг келадиган янги шаҳар пайдо бўлармиш. Шундай катта ишни бошлаган ҳукуматимизга миң раҳмат! Демак, фарзандларимизнинг, набираларимизнинг эртанги кунидан ташвиш қилмасак ҳам бўлар экан-да! Уларни давлатимизнинг ўзи уй-жой билан таъминлаши кўнглимизни юксалтириб юборди. Буларнинг барчаси эса давлатимиз раҳбари юритаётган халқпарвар сиёсат самараси.

Назиржон САИДОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Андижон вилояти бўлими раиси.

УРГАНЖИЛИКЛАР ҲАЁТИДА ЯНГИ ЭПКИН, ИНТИЛИШ ВА ИШОНЧ ПАЙДО БЎЛДИ

Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи чоғида Избоскан туманидаги Урганжи маҳалламизда бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди, аҳоли билан самимий мулоқот қилди.

Дарвоқе, бунгача маҳалламиз ҳудуди ҳақиқий ободонлаштириш марказига айл

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Кейинги йилларда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, хорижий давлатлар билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида мамлакатимиз муҳим натижаларга эришмоқда. Бу жараёнда, айниқса, Европанинг бир қатор давлатлари, хусусан, Чехия Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ, ХУСУСАН, ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН БАРЧА ЖАҲАДАГИ МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидовнинг Чехия Республикаси парламенти Девуатлар палатаси раиси ўринбосари Томаш Ганзел бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув аввалида дунё бўйича пандемия тасфирида юзага келган эпидемиология вазиятга қарамай, Ўзбекистон парламенти ва унинг фаолиятига қизиқиш билдирилгани учун меҳмонларга алоҳида миннатдорлик билдирилди. Мазкур ташриф Ўзбекистон — Чехия парламентлари муносабатларини янада фаоллаштириш, мавжуд алоқаларни кенгайтиришга муносиб даражада хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди. Уз навбатида, Чехия Республикаси парламенти Девуатлар палатаси раиси ўринбосари Т. Ганзел сўнгги йилларда

Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари, хусусан, Чехия Республикаси билан барча жаҳадаги муносабатлари жадал суратларда ривожланиб бориши натижада ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги даври бошлангани эътироф этди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида ўрнатилган парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати муҳокама марказида бўлди. Хусусан, икки давлат парламентларининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти юзасидан тажриба алмашиш ҳамда бу борада келгусида амалга оширилиши муҳим бўлган ишлар хусусида келишиб олинди. Мулоқот чоғида, шунингдек, Ўзбекистон ва Чехия ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлики янада кучайтириш, айтиш чоғида, парламентлараро алоқалар доирасидан икки томонлама ҳамкорлики янада кенгайтириш учун халқаро шартномаларни ратификация қилиш ишларини жадаллаштириш муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ ПАРЛАМЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Индонезия парламенти Вакиллар палатаси кўмитаси раиси Супратман Анди Атгас бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

ЭЪТИРОФ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Эркин Зоҳидов делегация аъзоларини мамлакатимизга таърифи билан кутлаб, икки давлат ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди. Учрашувда мўҳмонларга мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди. Жумладан, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигига эришиш, суд-ҳуқуқ тизimini ислох қилиш, диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли, амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларда амалга оширилаётган ишларга батафсил тўхталиб ўтилди. Учрашувда парламентлараро ҳамкорлигини ривожлантириш ма-

Мушоҳада Чўлланишни ЖИЛОВЛАЙ ОЛАМИЗМИ? Бу илмий ёндашув ва масъулиятга боғлиқ.



Инсоният XX аср охирига келибгина ғоят мураккаб муаммолар қаршида турганлигини тушуниб етди. Дунё миқёсида юз берган жараёнлар иқлим ўзгариши, чўлланиш, ер деградацияси, биологикаллик қисқариши, ичимлик суви инфлосланиши ва танқислиги, ўрмон ҳамда тупроқ инқирози инсоният учун ниҳоятда долзарб глобал экологик муаммоларга айланди. Айниқса, сайёрамизда кечаётган қуруқчилик ва чўлланиш жараёни бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини, ер эгалари, илмий даргоҳлар ҳамда сиёсатшунослар доимий диққат-эътиборида бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикасида чўлланишга қарши курашнинг миллий дас-турга қўра, ерлар деградациясининг ҳамқимми қисқартириш ёки унинг олдин- олмиш, қисман деградацияга учраб, чўлланишга дучор бўлган ерларни қайта тиклаш ишларини амалга ошириш ло-зим. Эеро, чўлланиш биз учун ҳам муҳим масала бўлиб, мамлакатимизда суғориладиган ер майдонлари йилдан- йилга қисқариб бормоқда. Оролинг қурган ҳудуддан туз ва бошқа за-рирли кимёвий моддалар шамол орқа-ли тарқалиши ҳамда сув тақчилиги бо-ис чўлланиш даражаси ортипти. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах, Сир-дарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вило-ятларида чўлланиш даражаси юқори. Расмий маълумотларга қўра, Ўзбеки-стонда 22 миллион гектар ер чўлланиш-га мойил ҳудуд ҳисоблана, мавжуд йа-ловларнинг 43 фоизи эса инқирозга қараб, чўлланиб боради.

Юртимизнинг чўлланишга мойил ҳудудларидан унинг олдини олишга қаратилган саҳрога чидамли саксувал, қандим, черкез каби ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо этилиши ҳудудда ўзига хос экотизим пайдо қилиб, иқлим ўзгаришини юмшатади. Шунинг алоҳида айтиш жоизки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг та-шаббуси билан Орол денгизи ўрнинда кенг кўламли ўрмонлаштириш ишлари амалга оширилди. Охириги йилларда бу ерда ўрмонзорлар барпо этиш бўйича дунёда мўқобили бўлмаган ишлар олиб берилмоқда. Шу пайтгача қарийб 2 миллион гектар майдонда ўрмон-лаштириш ишлари амалга оширилди, саксувал ва бошқа чўлда чидамли ўсимликлар уруғлари сепилди.

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тақли-фига биноан Оролбўйи минтақасини "Экологик инновация ва технология-лар ҳудуди", деб эълон қилиш тўғри-сидаги махсус резолюция бир овоз-дан қабул қилинди. Бу минтақада экологик, ижтимоий ҳамда иқтисодий барқарорлиқни таъ-минлаш, инновацион технологияларни жорий қилиш, фан, таълим, инновация ва амалиёт уйғунлигига эришишда муҳим оми бўлади, албатта. Бу, ўз навбатида, Оролбўйида муҳофаза эти-ладиган табиий ҳудудлар ташкил қилиш, экотизим ҳолати, уни баҳолаш ҳамда баҳолатилма бўйича мажмуа-вий мониторинг тизimini шақлланти-риш, экологик инновациялар ҳудуди учун янги илгор метёрый-ҳуқуқий база

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистонда аҳоли сони йиллар давомида ўсиб бориши қузатилган бўлса-да, мактабга таълимга етариб эътибор берилмагани, ўз вақтида мактаблар қурилишга маблағ ажратилмагани, ёшларга касб-ҳунар ўргатамиш деб уларнинг тарбиясида кўп нарса бой берилгани ва энг асосийси, олий таълим дефицит таълим турига айлантирилиб, коррупцияга шарафит яратиб берилгани иқтисодий тarmoқлари ҳамда бошқа соҳалардаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондира олиш имкониятини пасайишига олиб келди.

Муносабат

Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги рақамлар орти-даги касб эгаларига бўлган эҳтиёж қондирил-маслиги ҳолатига олий таълим соҳаси мута-саддларининг бозор иқтисодий тизимини "олтин" қоидадаси, яъни талабни ўрганиб тақлиф тайёр-лаш масаласига эътибор бермаганилиги билан изохлаш ўринли. Бу фикрни бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги 815 та таълим йўна-лишининг 55 фоизи меҳнат бозори талаб-ларига ҳавоб бермаслиги ҳолати ҳам тасдиқла-ши мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раисли-гида қўни кеча олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағъшланган видеоселектор йи-ғилишида ёшларни ва ота-оналарни қувонтир-ган масала — мазкур йилда олий таълим муас-сасаларида ўқиш истагиди юрган йигит-қизлар сони 1 миллион 500 миң нафардан ортиқ бўлиши қутилигани эътиборга олиниб, 2021 йилда олий таълимга қабул квотаси сони 2020 йилдагига нисбатан 13 фоиз оширилиб, 181 миңгага ет-казилиши маълум қилинди. Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларида олиб бориладиган таъ-лим-тарбия сифатини яхшилаш, ўқитилаётган фанларни мазмунан қайта қўриб чиқиб, ортинқа тақорлониларни қисқартириш, бўшаган дарс соатлари ўрнига мутахассислик фанларни кў-пайтириш, талабаларга мустақил илмий изла-ниш учун имконият яратиш ҳамда профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини кўтариш бўйича бугунданқоз тизимли ишларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда.

Олий ўқув юртларида илмий тадқиқот иш-ларига ёшларни кенг жалб қилишга эътибор қаратиш ҳамда илмий салоҳиятни кўтариш учун келгуси йилдан докторантурага квота-лар сони 2 баравар кўпайтириш, кейинги йиллардан ҳар йили 50 фоизга ошириб бо-рилиши ва бунинг учун ҳар йили бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилиши ҳамда ҳар бир тилмурқ ўз соҳасига тегишли олийоқ-ларга докторантлар квоталари учун яна 10 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши-нинг белгиланиши ривожланишининг асосий қалити илмда эканлигининг эътирофидир.

Педагог сифатида мени қувонтирган яна бир ҳолат, бу — таълим сифатини яхшилаш, бу борада хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш ва илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида хорижий давлатлардан ўқув ҳамда илмий адабиётларни тўғридан-тўғри қариб қилиш, олий таълим муассасалари фон-дидаги 4 миллионга яқин адабиётларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш ва кутубхоналарни ягона тизимга бирлаштириб, талаба ҳамда тадқиқотчилар инсталган вақтда керакли адабиётлардан фойдаланиши учун имконият яратилаётганлигидир.

Давлат раҳбари томонидан ёшлар олий таъ-лим муассасасига қабул қилинган, улар ва ота- оналар олдидаги энг ортиқли масалалардан бири — яшаш жойи билан боғлиқ муаммоли

масалага эътибор қаратгани ҳамда бугунги кун-да 149 миңга тураржойга бўлган эҳтиёжни фа-қатгина давлат-хусусий шериклик орқали қисқа фурсатда ечиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилгани эътиборга молик. Йирик шаҳарлар, хусусан, Тошкент ша-ҳрида хусусий тадбиркорларга тегишли имти-ёзлар бериш орқали олий таълим муассаса-ларига яқин ҳудудларга, яъни 1,5 километр-гача бўлган масофада тураржойлар бунёд эти-лиши ва харахатларнинг 50 фоизи бюджет-дан қопланиши маълум қилинди. Бу биринчи-дан, талабаларнинг азалий муаммоларидан бирига ечим топиши таъминлайди ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш-га хисса қўшади. Иккинчидан, янги иш ўрни-лари яратилишини таъминлайди. Учунчидан, талабаларнинг олий таълим муассасасига қат-нашдаги транспорт муаммосининг олдини олади. Тўртинчидан эса, университет про-фессор-ўқитувчилари томонидан талабалар бил-ан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш имконини бе-ради.

Абдумалик АКРОМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МИҚДОРДАН СИФАТГА ЎТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Олий таълим тизимини ичидан биладиган мутахассис сифатида бу долзарб масаланинг кўтарилгани мени жуда қувонтирди. Ҳақиқатан ҳам, соҳада ҳали ўз ечимини қутаётган муаммолар талайгина ва бу масалалар йиғилишида рўйи-рост айтилди.

Йиғилишда олий таълим йўна-лишлари билан меҳнат бозори-даги замонавий эҳтиёжлар ўрта-сида ҳам узилиш жуда катталиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, ҳозирда хизмат кўрсатиш соҳасида 40 миңга, саноатда 38 миңга, қурилишда 12 миң-га, қишлоқ ҳўжалигида 10 миң-га, алоқа ва ахборот технология-ларида 4 миңга олий маълумот талаб этадиган бўш иш ўринла-рининг мавжудлиги олий таълим муассасаларининг битирувчилари миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жи-ҳатидан ҳам меҳнат бозоридеги

бу талабни қондира олмаётгани-ни кўрсатади. Соҳадаги бундай муаммолар ичида тизимда коррупция ҳолат-лари жуда кўпчилиги ҳам таъкид-ландики, бунда порахўрлик, та-магирилик, таниш-билишлик, уруғ-иймоқчилик, гуруҳбозлик каби ил-латлар ҳам қоришиб кетган. Шу ўринда юрғамини ҳали-ҳануз кемириб юрган бир неча воқеалар ёдга тушади. Олий таъ-лим муассасасида ишлаб юрган вақтларда гуруҳлардан бирига қўшилмаганим, гуруҳбозларнинг таниш-билишлари менинг фа-

нимдан ўта олмагани учун тала-баларни мажбурият менинг ус-тимдан ариза ёздиришгани ва охир-оқибат мен у даргоҳдан кетишга мажбур бўлганим, оран-дан вақт ўтиб, ишга кириш учун танловда иштирок этганимда ҳам улар таъсирида ишга қабул қилинмаганим (илмий даража ҳамда илмий унвоним бўла ту-риб, бу ўринга ўша олий ўқув юр-тидаги мансабдорнинг даража ва унвонсиз фарзандини ишга олиш-га) хануз ёдимда. Тўғри, бун-дай иллатлар олий ўқув юртла-рида ҳали ҳам давом этмоқда, давлатимиз раҳбари оқиб таш-лаган муаммоларнинг таг-зами-рида ҳам соҳада урчиган шундай иллатлар яширин. Ўқитилаётган фанларни маз-мунан қайта қўриб чиқиш, тақ-

ворланишларни қисқартириш, му-тахассислик бўйича фанларни кўпайтириш, талабаларга муста-қил илмий изланиш учун имко-ниятлар яратиш, докторантурага квоталар сонини ошириш, хори-жий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётларни тўғридан-тўғри ха-рид қилиш, ўқув жараёнини таш-кил этиш ҳамда бошқаришни тўлиқ рақамлаштириш, талаба-ларнинг тураржойга бўлган эҳти-ёжларини қондиришда тадбиркор-лар билан хусусий шериклик му-носабатларини ўрнатиш сингари белгиланган вазифалар ижроси-нинг таъминлигини нафақат олий маълумотли мутахассисларнинг миқдоран кўпайишига, балки унинг сифати юксалишига ҳам йўл очади. Мухтасар айтганда, белгилан-

ҲАР БИР ИШДА ШАФФОФЛИК ЗАРУР

Бирорта давлат ташкилоти ёки қоржоннинг ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни яширишга ёки ошириб эълон қилишга ҳаққи йўқ. Ҳар бир рақам ёки ҳисобот юртимиз тараққиёти билан бевосита алоқадордир.

Фикр

Айниқса, бугунги глобалла-шув даврида статистика жуда катта аҳамият касб этади. Дав-лат органлари ва ташкилотлари очиклигини таъминлашнинг энг муҳим шarti эса аҳолининг ах-борот олиш эркинлигини таъ-минлаш билан чамбарчас бо-ғлиқдир. Чунки бугун давлат органлари фаолияти очик бўлса, ҳар бир сайё-ҳаракатидан халқ хабардор бўлса, уларнинг юрт раванкига, мамлакат истиқбол-ига ишончи янада ортади. Президентимизнинг шу йил 16 июнь кунин қабул қилинган "Давлат органлари ва ташкилот-ларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоат-чилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшим-ча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан қўзланган мақсад ҳам ҳар бир иш, фаолият жа-моатчилик кўз ўнгиде бўлиши ҳамда уларнинг назорати ости-да амалга оширилиши билан ўз-вий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Фармонда давлат органлари фаолияти веб-сайтларда мунта-зам эълон қилиб борилиши белгилан қўйилган. Мисол учун, ҳужжатда Эко-логия ва атроф-муҳитни муҳо-фаза қилиш давлат кўмитаси зиммасыга 2021 йил 1 августга

қадар доимий равишда янгилаб туриладиган Ов қилиш ва овчи-лик ҳўжаликлари тўғрисидаги ах-борот базасини кўмитанинг рас-мий веб-сайтида ва Ўзбекистон Республикасининг Онч маъ-лумотлар порталида ишга туши-риш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олиш-га доир берилган барча руҳсат-нома ва улардаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдор-лари, ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасининг ўрмон-овчилик ҳўжаликлари томонидан берил-ган овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш кар-точкаси) ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари ҳақидаги маълумот-лар ҳам доимий тарзда кўмита-нинг расмий веб-сайтидаги ўрин олиши шартлиги белгилан қўйилган. Ахборот олиш эркинлигини таъминлаш ҳўқуқий демократик давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Башарти шундай экан, Президентимиз томонидан қабул қилинган юқоридеги Фар-мон янги Ўзбекистонда давлат ҳўжжамияти очиклигини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлади.

Маълула ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

«Туронбанк» АТБ акциядорларининг имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиши тўғрисида билдиришнома

“Туронбанк” АТБ Кенгашининг 2021 йил 10 июндаги К-39-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган “Туронбанк” АТБнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори 2021 йил 17 июнда Р0496-24-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қилади.

ЭЪЛОНЛАР Ўзбекистон давлат хореография академияси вакант ўринларга танлов эълон қилади

1. Хореография кафедраси: доцент — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин; 2. Санъат назарияси ва тарихи кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: — ректор номига ариза; — ходимнинг шахсий варақаси; — маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари; — паспорт нусхаси; — илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда); — малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; — меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мuddатда қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Телефонлар: 71-215-55-94, 71-215-56-98.

TURON BANK logo and contact information: Х/р: 2983 0000 2000 0044 6354, МФО: 00446, СТИР: 201 055 108. Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-“А” уй. Акциялар учун нақд шаклдаги тўловлар “Туронбанк” АТБ филиаллари томонидан қабул қилинади.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газетлари тахририяти ижодий жамоаси “Халқ сўзи” газетасининг собиқ ҳўлими Юнус Бўроновга падали бузруквори Улаш ота БЎРОНОВНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдрлик билдиради.

БАХТНИНГ ТЎҚҚИЗ УЛУШИ

ЁХУД САЛОМАТЛИК СТРАТЕГИЯСИ

Бахтни, энг аввало, соғлиққа қиёс этамиз. Немис файласуфи Артур Шопенгауэр эса бун янаям аниқроқ ифодалаган: “Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши саломатлигимизга боғлиқ. Аммо соғлиқнинг қадри бетобликда билинади”. “Саломатлик — туман бойлик”, деган кўҳна нақлнинг асл маъзи — шу!

Чиндан ҳам, бугун юртимиздаги аксарият шифохоналар, айниқса, пойтахтдаги ихтисослаштирилган тиббий марказларга борсангиз, узундан-узоқ навбатларни кўриб, таъбингиз хира бўлади. Шифокорлар қабулига киришни хоҳловчи беморлар шу қадар кўпки, баъзан эрталаб борган одам пешиндан ўтиб ҳам мутахассис эшиги олдида навбат кутиб турганига кўзингиз ташади.

Хўш, бунинг сабаби нимада?

Янги қарор моҳияти

Беморлар бехуда сарсон бўлмасин

Мутахассислар фикрича, мамлакатимизда кўпи тиббиёт бўғини бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди. Оқибатда малакали тиббий ёрдамга муҳтожлар вақти ва нақдини йўқотиб, олис масофадан Тошкентдаги ихтисослаштирилган марказларга келишга мажбур.

Ваҳоланки, бу муаммони самарали ҳал этиш мумкин. Бунинг учун юртимиздаги мавжуд 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасалари тўлиқ рақамлаштирилиб, ихтисослаштирилган марказлар билан виллоят, туман ва шаҳар шифохоналари яхлит тизимга боғлашни зарур. Ана шунда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти янада кенгайиб, ортиқча овозгарчиликларга барҳам берилади.

Президентимизнинг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори айна шу мақсадни кўзлаб қабул қилинди. Ундан шифо масканлари иш самарадорлигини ошириш ва юрдошларимиз учун янги кулайликларни яратишга доир қатор устувор вазифалар ўрин олган.

Бошқарувнинг мутлақо янги тизими

Юскак масъулият — иш самарадорлигини оширувчи муҳим омил. Қолаверса, бошқарув тизимида ҳар бир раҳбарнинг вазифаси аниқ бўлиши ва улар зиммасига маълум йўналишлар бўйича жавобгарлик юклатилиши лозим. Давлатимиз раҳбарининг қарори шунини кафолатлайди.

Унга мувофиқ, янги жорий этилаётган бошқарув тизимида соғлиқни сақлаш вазири тизим ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилишдан ташқари, улар зиммасидаги вазифа ҳамда функциялар тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб беради, мазкур ташкилотлар билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилади. Бундан ташқари, шошилинч тиббий ёрдам, республика тиббиёт (республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан ташқари) ҳамда тиббий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этади, раҳбарлари фаолиятини баҳолайди.

Бундан ташқари, бир ой мuddатда барча соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш рейтингини жорий этилиб, ҳар чорақда натижалар эълон қилиб борилади. Бирламчи бўғинда

“Тиббиёт тизимимиз катта янгиланишлар оstonасида турибди. Вазифалар аниқ, ҳисоб-китоблар пухта. Давлатимиз раҳбари қарориди белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2021 йилда жами 290 миллиард сўм, жумладан, Давлат бюджетидан қўшимча 72 миллиард сўм талаб этилади. Ушбу сарф-харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган ва инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш натижасида ихтисод қилинадиган ҳамда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан йўналтирилади.”

ди, лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади. Улар учун жиҳоз, дори ҳамда тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатлари, тизимда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам бевосита вазирнинг гарданиди.

Вазир ўринбосарлари-чи, улар қайси йўналишлар учун жавобгар? Масалан, вазирнинг биринчи ўринбосари оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиника, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохоналарида тиббий хизматлар кўрсатиш сифати, уларни жиҳозлаш ҳамда тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оширишга шахсан масъул ҳисобланади.

Бинобарин, вазир ўринбосарига тиббиёт соҳасида рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шериклиқни жорий қилиш ва ривожлантириш, яна бир вазир ўринбосарига эса республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда кўп тармоқли виллоят шифохоналарини ислоҳ қилиш, уларни бирламчи тиббий-санитария муассасалари билан боғлаш бўйича шахсий масъулият юклатилади. Вазирнинг бошқа ўринбосари оналар ва болаларни ҳавф гуруҳларига ажратиб, улар билан манзилли ишлашни ташкил

этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бевосита шугулланади.

Яна бир муҳим янгилик: шу пайтга қадар бирламчи тиббий-санитария муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдори 5 минг сўм эди. 2021 йил 15 июндан бошлаб бу кўрсаткич 3 бараварга оширилиб, 15 минг сўмни ташкил этади. Шу мақсадда 2021 йил инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобидан 165 миллиард сўм миқдориди маблағ ажратилади. Тиббиёт соҳасида бошқарув бўйича икки ҳафталик ўқув курслари ташкил этилиб, йил якунига қадар виллоят, туман (шаҳар) тиббиёт бошқармалари бошлиқлари бу курсларда ўқитилади.

Бундан ташқари, бир ой мuddатда барча соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш рейтингини жорий этилиб, ҳар чорақда натижалар эълон қилиб борилади. Бирламчи бўғинда

камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, 2021 йил 1 июндан бошлаб ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари тузилмаларида штат бирликлари доирасида бошлиқнинг рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинмоқда. Бунда ушбу лавозимларга тайинланаётган шахслар аввал ишлаган давлат ташкилотларидаги ойлик иш ҳақи миқдори юқори бўлган тақдирда, уларнинг ўша иш ҳақи миқдори сақлаб қолиниши — катта имтиёз.

Шунингдек, ҳар бир оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида кўшимча ажратилган 20 мингта штат бирлиги ҳисобидан электрон тизим билан ишлайдиган бир нафардан IT оператор-хамшира лавозими киритилади, уларнинг компьютер саводхонлигини ошириш бўйича бепул ўқув машғулоти ташкил этилади.

2021 йил якунига қадар давлат тиббиёт муассасалари учун 17 минг 400 та замонавий компьютер жиҳози харид қилиниши ҳам белгиланган. Улар оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларга берилади. 2022 йилда эса даволаш-профилактика муассасалари ҳамда туман (шаҳар) шифохоналари учун 16 минг 100 та, 2023 йилда виллоят ва республика шифохоналари учун 12 минг 400 та компьютер харид қилинади. Шундай қилиб, уч йилда — уч босқичда олинмаган бундай воситалар сони 45 минг 900 тага етади.

Буларга қўшимча равишда 2021 йил 1 июндан бошлаб туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида компьютер жиҳозлари бўйича техник ходим лавозимлари компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандис лавозимларига алмаштирилади, улар зиммасига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш вазифалари юклатилади. Компьютер хизмати муҳандисларига бериладиган ойлик устама унинг лавозим маоши миқдоридан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Бинобарин, давлат тиббий суғуртаси тизими жорий этилишини тезлаштириш мақсадида 2021 йил 1 августдан тиббий жиҳозлар, буюмлар, компьютер техникаси ва бошқа воситалар қатловдан ўтказилиб, тиббиёт ходимлари рўйхати шакллантирилади. Шифо масканлари зарур воситалар билан жиҳозланиб, оилавий шифокор йўлнамаси асосида кафолатланган пакетга киритилган бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тизими ташкил этилади.

Пойтахтга келишга ҳоҳат қолмайди

Ҳозир нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилишда малакавий тоифа мажбурий ҳисобланади. Давлат муассасаларида эса бундай чеклов йўқ. 2021 йил 1 июндан бошлаб иш стажы 5 йил бўлмаган олий маълумотли соҳа ходимларини тизимдаги ташкилотларга ишга қабул қилиш билан боғлиқ талаблар давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади.



Айтиш керакки, юртимизда 17 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази бор. Қорақалпоғистон Республикаси, виллоятлар ва Тошкент шаҳрида уларнинг 172 та ҳудудий филиали ҳам ташкил этилган. Президентимиз қарори асосида 2021-2022 йилларда ана шундай филиаллар сони 91 тага кўпаяди. Уларнинг 5 таси Қорақалпоғистон Республикаси, 8 таси Андижон, 3 таси Бухоро, 8 таси Жиззах, 7 таси Қашқадарё, 10 таси Навоий, 7 таси Наманган, 6 таси Самарқанд, биттаси Сурхондарё, 8 таси Сирдарё, 7 таси Фарғона, 3 таси Хоразм, 8 таси Тошкент виллоятларида ҳамда 10 таси пойтахтда иш бошлайди. Мазкур муассасалар зиммасига касалликларни жойларда барвақт аниқлаш, профилактика чора-тадбирларни амалга ошириш, маҳорат дарсларини ўтказиш, юқори сифатли тиббий хизматлар, жумладан, телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш каби вазифалар юклатилади.

Кўзланган марралар юскак. Ҳамма гап ислохотларни тўғри ва аниқ рўйбга чиқариш ҳамда жадаллаштиришда. Бу бўйича алоҳида “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унда янги бошқарув тизими доирасида вазирлик раҳбарияти кесимида чора-тадбирлар белгиланди. Шу билан бирга, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ҳам ишлаб чиқарилади.

Демак, тиббиёт тизимимиз катта янгиланишлар оstonасида турибди. Вазифалар аниқ, ҳисоб-китоблар пухта. Давлатимиз раҳбари қарориди белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2021 йилда жами 290 миллиард сўм, жумладан, Давлат бюджетидан қўшимча 72 миллиард сўм талаб этилади. Ушбу сарф-харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган ва инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш натижасида ихтисод қилинадиган ҳамда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан йўналтирилади.

Соҳада бошқарув механизмни такомиллаштириш қандай натижа беради? Аввало, бирламчи бўғин касаликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантирилади. Бу эса Ўзбекистон ҳамда унинг халқи тақдирини, бугунги ва келажак учун жуда-жуда муҳим.

Бобир ШУКУРОВ,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

«Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!»

Қашқадарёда “Биз Амир Темур авлодлари, унга издош бўламиз!” шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали ана шундай номланди.

Тадбир “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” қадам ташлаётган янги Ўзбекистон ёшларининг юрт равнақи йўлидаги гоёларини бирлаштириш, биргалликда буюк куч ва қудратга айланишни амалга оширишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Фестиваль доирасида миллий ва бадий кўргазмалар намойиши, ёш спортчиларнинг кураш, бокс, камондан ўқ отиш, бадий гимнастика, стол теннисини, шахмат, армрестлинг, тош кўтариш, бадминтон, куч синаш спорт мусобақалари ҳақиқий маънода баҳодорлар беллашувига айланди.

Виллоят ҳокими соврини учун ўтказилган киберспорт ўйинлари ва Яккабоғда бўлиб ўтган от спорти мусобақалари ҳам ёшларимизнинг нафақат спортга бўлган иштиёқини оширди, балки улар руҳиятида мардлик ҳамда жасорат каби туйғуларни уйғотди.

Тадбир давомида “Раҳбарлар ва ёшлар” мулоқоти қизгин жавоб-жавоб рунда ўтди. Ушбу мулоқотни виллоят ҳокими Зойир Мирзаев ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари Алишер Саъдуллаев олиб борди.

Яқунда виллоятдаги ўз йўналишида энг фаол ва бир қатор ютуқларни кўлга кiritган ўғил-қизлар пул мукофотлари билан тақдирланди. Амир Темур тарихий майдонда ўтказилган катта гала-концерт эса йиғилганларга хушнудлик бахш этди.

Фохриддин БОЗОРОВ
«Халқ сўзи».

«Соғломлаштириш майдончаси» — мароқли таътил кафолати

Жорий ўқув йили якунига етиб, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари бошланди. Таътил даврида ўғил-қизларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли тадбирлар ва ўйинларга жалб этиш орқали қизиқиши, билим ҳамда кўникмаларини шакллантириб бориш мақсадида мактаблар қошида кундузги оромгоҳлар ташкил этилмоқда. “Соғломлаштириш майдончаси” сифатида жорий қилинаётган мазкур оромгоҳларда турли спорт ўйинлари, маънавий-маърифий тадбирлар асосий ўринни эгалламоқда.

Бухоро шаҳридаги 34-умумтаълим мактабидида ҳам “Соғломжон — полвонжон” оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар ёзги оромгоҳнинг наоманшасида раамий маъно борлигини, асосий мақсад таътил даврида ўқувчиларнинг таълим-тарбияси ва мазмунли ҳордик чиқаришини таъминлаш эканлигини таъкидлади.

“Соғломлаштириш майдончаси”га таълим муассасасининг 1-синфидан 5-синфгача бўлган болалар жалб этилган. Ҳафтаинг ҳар бир кунига алоҳида ном берилган бўлиб, ўқувчилар турли тўғарақлар ва тадбирларда банд бўлади. Президент томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус ижроси бўйича ўғил-қизларнинг иқтидорларини аниқлаш ҳамда тарбиялаш мақсадидаги тадбирларга кенроқ уруғ берилмоқда. Уларнинг спорт, мусиқа, бадий ижод, расомчилик, рақс, кўл меҳнати ёрдамида яратилган ишлар билан шугулланишлари учун барча шароит мўъайё қилинган.

Ўқувчиларнинг виллоятдаги ижодкорлар, хусусан, шоир ва ёзувчилар, журналистлар ҳамда олий таълим муассасалари ўқитувчилари билан учрашувларини ўтказиш, долзарб мавзуларда давра суҳбатлари уюштириш, айниқса, уларни китобхонликка жалб этиш бўйича тарғибот тадбирларини кучайтириш, тарихий обидаларга ва музейларга саёхат қилиш, болалар учун кўгирчоқ театри томошаларини уюштириш режалаштирилган.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
Бухоро шаҳридаги 34-умумтаълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарбиячиси.

ҚОРОВУЛБОЗОРДА ҲАМ БАНАН ЕТИШТИРСА БЎЛАДИ

Қоровулбозор туманининг “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги салкам бир гектар ерда иссиқхона барпо этиб, сабзавотдан мўл ҳосил олиб келаётган Нурулла Ашуров табиий иқлими нечоғли мураккаб бўлмасин Бухорода банан етиштириш мумкин, деган фикрда.

Интилиш

— Андижонга йўлим тушди-ю, Асакадаги тадбиркорлардан бирининг бананзорни борлигини эшитиб қолдим, — дейди у. — Бориб кўргач, менда ҳам ўз ҳудудимизда цитрус мева етиштиришга қизиқиш уйғонди. Бананнинг етти түп кўчатини олиб келиб, иссиқхонанинг бир четига тажриба тариқасида ўтказдим. Биласиз, бизнинг маҳал-

лий иқлим шароитида бананни парваришнинг ўзи бўлмайди. Иссиқхонада намлик даражаси 60 фоиз, ҳарорат эса 17 даражада бўлиши керак.

Иштиёқда гап кўп экан. “Қоровулбозор Фарруҳ” хусусий корхона раҳбарининг интилиши зое кетмади. Дастлабки йилда бананнинг бир тупидан 22 килограмм

ҳосил олинди. Парвариши рисоладагидек олиб борилса, ҳосилдорликни дەرли икки бараварга ошириш ҳам мумкин.

Яна бир жиҳати борки, банан мавсумий маҳсулот эмас. Уни бозор расталарида қишин-ёзин учратасиз. Юртимизга эса, асосан, хориждан импорт қилинади, нархи ҳам банд. Шу боис қоровулбозорлик миришкор фақат шу билан чекланиб қолмасдан янада астойдил ҳаракат қилмоқчи. Яъни кичик бўлса-да, банан плантацияси яратиш иштиёқиди.

Истам ИБРОҲИМОВ
«Халқ сўзи».
Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 989 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуҳаммад томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳас — Ш. Машираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.05 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

